

## **Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва тиббиёт ташкилотлари ҳамда дорихоналар ўртасида шартнома тузиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низоми Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотлари (кейинги ўринларда – тиббиёт ташкилоти) ҳамда дорихоналар ўртасида шартнома тузиш тартиби ва қоидаларини белгилайди.

2. Мазкур низомида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома** (кейинги ўринларда – тиббий хизматлар хариди шартномаси) – кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни аҳолига бепул кўрсатилиши тўғрисида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва тиббиёт ташкилоти ўртасида тузиладиган битим;

**имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш харажатларини қоплаш шартномаси** – имтиёзли беморларга белгиланган касалликлар рўйхатига асосан тиббий ёрдам кўрсатиш харажатларини тасдиқланган базавий нархлар доирасида қоплаш бўйича тиббиёт ташкилоти билан Жамғарма ўртасида тузиладиган битим;

**реимбурсация дастури бўйича дорихоналар сарф-харажатини қоплаш шартномаси** (кейинги ўринларда – реимбурсация шартномаси) – амбулатор шароитда касалликларни даволаш учун электрон рецепт асосида беморларни дори воситалари билан бепул таъминлаш мақсадида Жамғарма ва дорихона ўртасида тузиладиган битим.

### **2-боб. Шартномаларни тузиш ва тўловларни амалга ошириш тартиби**

3. Тиббий хизматлар хариди шартномаси тузиладиган тиббиёт ташкилотига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет)га киритилган тиббий хизматларни кўрсатиш учун зарур инфратузилма (*бино-иншоот, иситиш ва совитиш, иссиқ ва совуқ сув, оқова, электр ва газ таъминоти, тиббий техника ва жиҳозлар*), мутахассислар (*шифокор, ҳамшира ва бошқалар*)га эга бўлиши, тиббий ахборот тизими жорий қилинганлиги ва унга маълумотларни киритилишини таъминлаш каби талаблар қўйилади. Мазкур талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

4. Тиббий хизматлар хариди шартномаси бўйича тўловлар Жамғарма томонидан қуйидагича амалга оширилади:

амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига – уларга бириктирилган аҳоли сони ва таркибидан (аҳоли ёши ва жинси) келиб чикиб “аҳоли жон бошига” молиялаштириш ҳажми ҳар ойнинг дастлабки 5 иш куни мобайнида 95 фоизгача бўлган қисми олдиндан, қолган қисми тегишли тиббий ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида тўлаб берилади.;

амбулатор, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи тиббиёт ташкилотларига – Жамғарма билан тузилган шартнома қийматининг ойлар кесимида тенг тақсимланган қисмини 85 фоизи олдиндан тўланади, қолган қисми тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий ахборот тизимига киритилган маълумотлар асосида ўтказиб берилади;

стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт ташкилотларига – Жамғарма билан тузилган шартнома қийматининг ойлар кесимида тенг тақсимланган қисмини 85 фоизи олдиндан тўланади, қолган қисми “ҳар бир даволанган ҳолат учун” молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун қилинган ҳисоб-китоблар асосида белгиланган маблағлар ўтказиб берилади.

4. Имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш жараёнига ўрнатилган тартибда жалб қилинган давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилоти билан Жамғарма ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузилади. Мазкур шартномаларга асосан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш харажатлари тасдиқланган базавий нархлар доирасида Жамғарма томонидан қопланади. Бунда, Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт ташкилотларига Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган миқдорларда олдиндан тўлов амалга оширилади.

5. Реимбурсация дастурида иштирок этиш истагини билдирган ҳамда белгиланган талабларга мувофиқ барча шарт-шароитларга эга бўлган дорихона билан Жамғарма ўртасида шартнома тузилади. Мазкур шартномага мувофиқ реимбурсация дастури бўйича дорихона томонидан берилган дори воситалари бўйича сарф-харажатлар мазкур дори воситаларининг ҳақиқий сотув нархлари акс эттирилган ҳисоб-фактура асосида Жамғарма томонидан чекланган қоплаш қиймати доирасида қоплаб берилади.

Бунда, дорихона сарф-харажатларини қоплаш учун тўловлар ғазначилик хизмати органлари орқали юридик мажбурият асосида ҳар ойда камида бир маротаба амалга оширилади.

### **3-боб. Шартноманинг асосий тамойиллари**

6. Шартноманинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- шартнома тузишнинг эркинлиги;
- томонларнинг ўзаро манфаатдорлиги;
- шартнома шартларига қатъий риоя этиш зарурлиги;
- томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги.

#### **4-боб. Шартномага ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш тартиби**

7. Мазкур Низомнинг 3-бандига асосан белгиланган талабларга жавоб берадиган тиббиёт ташкилотлари билан Жамғарма ўртасида қоғоз ёки электрон шаклда шартнома, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар тузилади ҳамда ваколатли шахслар томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

8. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

9. Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилинади:

- шартнома томонларидан бири тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;
- шартнома томонларининг ўзаро келишувига кўра;
- томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда ёки шартнома шартларини жиддий равишда бузганда.

#### **5-боб. Жамғарма ва ташкилотларнинг жавобгарлиги**

10. Шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

11. Шартнома шартларига мувофиқ ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши, Жамғармага ўрнатилган муддатларда маълумотларнинг тақдим этилиши, ҳаққонийлиги ва асослилиги учун тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналарнинг раҳбари шахсан жавобгардир.

12. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатларида Жамғарма ҳамда тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

13. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагани томонларни ўз мажбуриятларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

14. Жамғарма ташкилот томонидан асоссиз харажатларни тўлов учун такроран тақдим этиш ҳолатини қайд этганда тегишли ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборади.

#### **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Жамғарма ўзаро келишган ҳолда мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколатига эга.

16. Ушбу низом талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

## **Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниклаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги**

### **НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу низом туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва улар таркибидаги оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва марказий кўп тармоқли поликлиникалар ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотлари (кейинги ўринларда – тиббиёт ташкилотлари)га бириктирилган аҳолининг ҳар бир нафарига кўрсатилиши белгиланган тиббий хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур низом Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) билан тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома тузган ва аҳоли жон бошига тўлов усулида молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**аҳоли жон бошига молиялаштириш учун базавий ставка** (кейинги ўринларда – базавий ставка) – Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган, тегишли молия йилида тиббиёт ташкилотларига бириктирилган аҳолининг ҳар бир нафарига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) доирасида тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағларнинг йиллик миқдори.

Бунда, базавий ставка ҳар бир молия йили учун қайта тасдиқланади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, коммунал хизматлар тарифлари ва бошқалар ўзгарган тақдирда базавий ставка қайта ҳисоб-китоб қилинади.

**бириктирилган аҳоли** – бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан камраб олиш учун тегишли тиббий ахборот тизими орқали тиббиёт ташкилотига бириктирилган аҳоли.

**кафолатланган пакети** – тегишли молия йилида Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳажми;

**тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома** (кейинги ўринларда – шартномаси) – кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни аҳолига кўрсатилиши тўғрисида Жамғарма ва тиббиёт ташкилоти ўртасида тузиладиган битим.

**ёш ва жинс коэффициентлари** – аҳолининг ёши ва жинсига боғлиқ ҳолда тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини ифодаловчи коэффициентлар;

**муассаса тури коэффиценти** – ҳар бир турдаги тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида кўрсатилиши белгиланган тиббий хизматлар ва дори таъминоти учун зарур маблағлар миқдорини аниқлашда қўлланиладиган коэффицент.

**тузатиш коэффицентлари** – кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни бириктирилган аҳолига тўлиқ кўрсатилиши учун зарур молиялаштириш ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган коэффицентлар (географик жойлашув, аҳоли зичлиги ва бошқалар).

## **2-боб. Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниқлаш**

6. Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажми ҳисоб-китобини амалга ошириш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

тегишли тиббий ахборот тизими орқали жорий йил 1 июль ҳолатига бириктирилган аҳоли сони ва таркиби;

ёш ва жинс коэффицентлари ;

базавий ставка;

тиббиёт ташкилоти тури коэффиценти;

тузатиш коэффицентлари (аҳоли зичлиги, географик жойлашув ва бошқалар);

тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ахборот дастури.

7. Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажми базавий ставка, бириктирилган аҳоли сони ва таркиби ҳамда ёш ва жинс коэффицентлари, тиббиёт ташкилоти тури коэффиценти, тузатиш коэффицентини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$ЖБМ = \left( \sum_j БС * K_j * БАС_j * K_t * K_m \right)$$

*Бунда:*

ЖБМ – тиббиёт ташкилотининг аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажми;

БС – базавий ставка;

$j$  – ёш ва жинс гуруҳлари;

$K_j$  – “ $j$ ” гуруҳи учун ёш ва жинс коэффиценти;

$БАС_j$  – “ $j$ ” гуруҳидаги бириктирилган аҳоли сони;

$K_t$  – тузатиш коэффиценти;

$K_m$  – тиббиёт ташкилоти тури коэффиценти.

8. Марказий кўп тармокли поликлиникаларнинг аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажми, базавий ставка ва тегишли туман (шаҳар) ҳудудидаги тиббиёт ташкилотларига жами бириктирилган аҳоли сони ва тузатиш коэффицентларини қўллаган ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ЖБу} = \text{БС} * \text{ЖА} * K_m * K_t$$

*Бунда:*

ЖБу – марказий кўп тармоқли поликлиниканинг жами бириктирилган аҳоли учун молиялаштириш ҳажми;

БС – базавий ставка;

ЖА – жами аҳоли сони;

$K_m$  – тиббиёт ташкилоти тури коэффиценти;

$K_t$  – тузатиш коэффиценти;

9. Туман (шаҳар)даги тиббиёт ташкилотларининг умумий молиялаштириш ҳажми ушбу туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган барча тиббиёт ташкилотларининг аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмлари йиғиндиси асосида қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{УММ} = \sum_n (\text{ЖБМ} + \text{ЖБу})$$

УММ – тиббиёт ташкилотини умумий молиялаштириш ҳажми.

11. Тиббиёт ташкилотларининг аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниқлашда капитал қўйилмалар, янги очилаётган тиббиёт ташкилотининг ташкил этиш ва сақлаш харажатлари, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, куз-қиш мавсуми тайёргарлик кўриш билан боғлиқ харажатлар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш, сайёр тиббий кўриклар, ҳомиладорлик нафақаси, шунингдек, кўзда тутилмаган бошқа харажатларни қоплаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинмайди.

12. Тиббиёт ташкилотларини аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниқлашда ҳисобга олинмаган харажатлар тегишлилиги бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли бюджет (республика ва маҳаллий) маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

### **3-боб. Аҳоли жон бошига молиялаштиришни амалга ошириш**

13. Аҳоли жон бошига молиялаштириш Жамғарма билан тиббиёт ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

14. Аҳоли жон бошига молиялаштиришни амалга оширишда тиббиёт ташкилотига тегишли шахсий ғазна ҳисобварағи (банк ҳисоб рақами)га Жамғарма томонидан маблағлар харажатлар таснифининг бир сатрида маблағлар ўтказиб берилади.

15. Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳар ойнинг дастлабки 5 иш куни мобайнида 95 фоизгача бўлган қисми олдиндан тўлаб берилади.

16. Қолган қисми тегишли тиббий ахборот тизимида киритилган маълумотлар (беморлар қабули, уларга кўрсатилган тиббий хизматлар ва бошқалар) асосида кейинги ойнинг 20 санасигача тўлаб бериш орқали амалга оширилади.

17. Тиббиёт ташкилоти томонидан жорий ойдаги ўз фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда тегишли тиббий ахборот тизимига киритилади.

Тиббиёт ташкилотининг жорий ойдаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар белгиланган муддатларда тегишли тиббий ахборот тизимига киритилмаган тақдирда, ушбу тиббиёт ташкилотини Жамғарма томонидан молиялаштирилиши вақтинча тўхтатилади.

18. Молия йили якунида тиббиёт ташкилотининг шахсий ғазна ҳисобварағи (банк ҳисоб рақами)даги қолдиқ маблағлар ушбу тиббиёт ташкилоти томонидан тиббий хизматлар хариди тўғрисидаги шартнома шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилган тақдирда Жамғармага қайтарилмайди ҳамда келгуси молия йили учун тузиладиган даромадлар ва харажатлар бўйича бизнес-режада йил бошига қолган қолдиқ сифатида акс эттирилади.

19. Мазкур қолдиқ маблағлар биринчи навбатда кредитор қарздорликларни қоплаш учун йўналтирилади, сўнгра тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, кўшимча тиббий хизматларни ташкил этиш (инсулт, миокард инфаркти билан касалланган беморларни реабилитацияси, массаж, даволаш физкультураси, паллиатив ёрдам) учун мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ташкилотини зарур тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш ва ходимларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

#### **4-боб. Якунловчи қоидалар**

20. Аҳоли жон бошига молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун тегишли тиббий ахборот тизимига киритилган маълумотларнинг тўғрилиги, ҳаққонийлиги ва ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши учун жавобгарлик тиббиёт ташкилоти раҳбарига юклатилади.

21. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаган мансабдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар.